

Иш рақами 1-1701-2303/891  
Тафтиш инстанциясида маърузачи  
судья – А.Исаков

Биринчи инстанция судида раислик  
қилган судья – Б.Турдиев  
Кассация инстанциясида маърузачи  
бўлган судья – Ш.Назиров

## АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил февраль ойининг 11 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: М.Абабакиров,

ҳайъат судьялари: У.Имомова ва А.Исаковдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Тождидиновнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилояти прокуратураси бўлим прокурори М.Иминов ва ҳимоячи Н.Юлдашеваларнинг иштирокида, судланган Г.Намозовага оид жиноят ишини унинг тафтиш тартибидаги шикояти асосида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2024 йил 18 мартдаги ҳукмига мувофиқ:

2000 йил 11 январда Андижон шаҳрида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишламаган, муқаддам 2021 йил 12 июлдаги жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг ҳукмига мувофиқ ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 8 февралдаги ажрими билан ўталмаган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, шу суднинг 2023 йил 3 мартдаги ажрими билан ўталмаган 1 йил 1 ой 20 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Андижон шаҳри, Саховат МФЙ, Тожик кўчаси, 5-уйда яшаган, иш бўйича шахсий



кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган  
Намозова Гулжаҳон Дилшоджон қизига  
Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан  
5 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум  
қилиш жазоси тайинланган, жазо умумий тартибли колонияда ўташ  
белгиланган.

Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация  
инстанциясининг 2024 йил 5 декабрдаги ажрими билан суд ҳукми  
ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан А.Набиева, И.Хожиева, З.Бекназарова ҳам судланган  
бўлиб, протест ёки шикоят билдирилмагани сабабли ишнинг уларга оид  
қисми муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, Г.Намозова хавфли рецидивист бўлгани ҳолда  
А.Набиева, И.Хожиева, З.Бекназаровалар билан жиноий тил бириктириб, бир  
гурух бўлиб, 2023 йил 6 январь соат 6 ларда М.Сабиорованинг Андижон  
шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган “Guzell” аёллар кийимлари  
сотиладиган савдо дўкони ертўласидаги омборхонасига ғайриқонуний  
равишда киришиб, нарҳи 80.000.000 сўмга тенг аёллар кийим - кечакларини  
яширин равишда талон - торож қилганликда айбли деб топилган.

Судланган Г.Намозова тафтиш тартибидаги шикоятда, қилмишидан  
пушаймонлигини, оиласининг ёлғиз боқувчиси эканини, қарамоғида 3 нафар  
фарзанди борлигини билдириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ  
бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Мазкур ҳукм билан судланган А.Набиева, И.Хожиева,  
З.Бекназароваларга шикоят нусхалари юборилган, уларнинг муносабатлари  
келиб тушмаган.

Жабрланувчи М.Сабиорова эътирозномасида, шикоятни қонуний ҳал  
қилишни сўраган.

Тафтиш инстанцияси, иш бўйича судья А.Исаковнинг маърузасини,  
прокурор М.Иминовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, химоячи  
Н.Юлдашеванинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб,  
иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини  
ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судлар иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган Г.Намозованинг  
айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Судланган М.Намозованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир  
этганликдаги айби, унинг судларда айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган  
кўрсатувлари билан бир қаторда, мазкур ҳукм билан судланган А.Набиева,  
И.Хожиева, З.Бекназарова, жабрланувчи М.Сабиорова, гувоҳ  
М.Сабиоровларнинг дастлабки тергов ва судларда берган кўрсатувлари,  
ишдаги воқеа жойни кўздан кечириш ҳақидаги, ашъвий далилларни олиш ва  
ҳолатни расмийлаштириш ҳақидаги, юзлаштириш баённомалари ҳамда иш  
бўйича тўплаган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат  
органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир



чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судлар, судланган Г.Намозовага жазо тайинлашда қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфли даражаси, унинг илгари ўзгалар мулкани яширин равишда талон - торож қилиш жиноятини содир этгани учун судланиб, жазони тўлик ўтамасдан туриб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда яна худди шу турдаги жиноятни содир этганлиги эътиборга олиб, унга қилмишига яраша жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Тафтиш инстанцияси шикоят важлари ҳамда иш ҳолатларини текшириб ва муҳокама қилиб, судланган Г.Намозова муқаддам судланиб, жазони ўташи давомида қасддан яна оғир турдаги жиноятлар содир қилгани жазони енгиллаштириш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли, шикоят важлари билан келишмасдан, уларни рад қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Зеро, ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 521<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, тафтиш инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми ва кассация инстанциясининг ажрими моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукм ва ажримни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси судланган Г.Намозовага оид суд қарорларини ўзгаришсиз, унинг тафтиш тартибидаги шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодексининг 521<sup>2</sup>, 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Намозова Гулжахон Дилшоджон қизига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2024 йил 18 мартдаги ҳукми ҳамда Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2024 йил 5 декабрдаги ажрими ўзгаришсиз, унинг тафтиш шикоятни эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи  
Ҳайъат судьялари

имзо  
имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,  
вилоят судининг судьяси

А.Исаков

